

Qishloq hayoti

2010 йил Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2010-ЙИЛ 2-ФЕВРАЛ, СЕШАНБА, 14 (7631) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



Олтинқул тумани Иттифоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган йиғирмата янги уй фойдаланишга топширилди.
— Биз тўрт хонали уйни тайёр ҳолда қабул қилиб олдик, — дейди янги уй соҳибаларидан бири Умидаҳон Эгамова. — Қувончимиз чексиз. Бу ердаги қулайликлар, оиламизнинг ҳар бир аъзоси учун яратилган шароитдан беҳад мамнунмиз.



Ихчам ва қулай бир кўринишда бунёд этилган "Иstekbol Non" цехидамиш. Шу жойнинг ўзидаги савдо дўконидан харидорлар эндигина печдан чиққан non маҳсулотларини сотиб олишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё.



Республика ихтисослаштирилган урология марказининг Қарши филиали диагностика, болалар ва катталар урологияси, реанимация, гемодиализ ҳамда ҳужалик ҳисобидаги андрология бўлимларидан иборат бўлиб, шифокорлар бу ерга келадиган беморларнинг ҳасталигини қўйлашган аниқ ташхис орқали даволашмоқда.

Тошкент Вилояти

ДУНЁ БОЗОРИГА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

«PLASTEKS» масъулияти чекланган жамиятига қарашли Янгийўл ип-калава ишлаб чиқарувчи корхонаси қурилиши 2004 йил бошланган эди. Ўтган йилларда 4,1 гектар майдонни эгаллаган, замонавий техника мосламалари билан жиҳозланган ип-йиғирма мажмуаси қуриб битказилди. Мажмуани жиҳозлаш ишларида дунё тўқимачилик санотида жуда машҳур хориж компаниялари, хусусан, Европа, Швейцария ва Италиянинг йирик компаниялари билан ҳамкорлик қилинди. Янги корхона тўлиқ қувват билан ишлаш бошлагач, Янгийўл ва бошқа қўшни туманлар аҳолиси учун 250-300 та қўшимча иш ўрни яратилади.



Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодий қудратининг рақобатдошлигини оширишда халқ қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш — бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.

(Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан)



Ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида маҳсулот юқори технология асосида сифат назоратидан ўтказилади. Калава иплар нафақат сифати жиҳатидан, балки галтакка ўралиши ва қадоқланиши жиҳатидан ҳам Европа стандартларига жавоб беради. Корхонада ишлаб чиқариладиган юқори сифатли калава иплар юртимизнинг Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида етиштирилган 1-нав пахта хомашёсидан йиғирилади. Мажмуа тўлиқ қувват билан ишлаганда бу ерда йилига 6 минг 125 тонна пахта толаси қайта ишланиши мумкин. Энг муҳими, «PLASTEKS» да ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳаммаси хорижга экспорт қилинади. «PLASTEKS» да маҳсулот рақобатбардошлигини сақлаган ҳолда келгусида ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтириш режалаштирилган.

СУРАТЛАРДА: ип йиғирув цехи; цех мутахассиси Фотима Абдураҳмонова. Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 10-12 февраль кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга оид долзарб муаммолар муҳокама қилинади. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Минтақавий семинар

Самарқанд шаҳрида Бухоро, Навоий ҳамда Самарқанд вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида минтақавий семинар бўлиб ўтмоқда.

Раҳбарлар ўқувининг бошланишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси ўринбосари М.Ражабова, Тошкент давлат юридик институти ректори М.Русамбоевлар сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, халқимиз турмуш даражасини халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашга хизмат қилаётганлигини таъкидлашди. Бугун жамият ҳаётининг қайси соҳасига назар солмайлик, ана шу ислохотлар ўз самарасини бераётганини кўришимиз мумкин. Айниқса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги, таълим ва тиббиёт соҳаларини тубдан такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, қишлоқ аҳоли пунктларини замонавийлаштириш борасидаги ишлар давлатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

Таъбиқий, бу жараёнлар ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди. Хар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган бундай семинарлар ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиши ва раҳбарларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларга оид билим ҳамда қўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли бўлмоқда. Ўн кунлик семинар давомида тингловчилар Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси, "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари мазмун-моҳияти ва уларда белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси юзасидан фикр алмашдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ГРЕЦИЯДА БЕЛЛАШДИ

Грециянинг Салоники шаҳрида дунёнинг ўттиз мамлакатидан келган юз нафардан зиёд сара полвонлар иштирокида ўтказилган кураш бўйича VI халқаро Ислам Каримов анъанавий турнири муваффақиятли якунланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан халқаро майдонга чиққан ўзбек кураш бугун жаҳон мамлакатларида жадал ривожланмоқда. Дунё полвонлари спортнинг бу тури бўйича жаҳон, қитъалар чемпионатлари, минтақавий ўйинлар ва нуфузли халқаро турнирларда голиблик учун куч синаямоқда. Кураш халқаро ассоциациясидан маълум қилишларича, Олимпия ўйинлари ватани — Грецияда бўлиб ўтган VI халқаро Ислам Каримов анъанавий турнирида таниқли полвонлар уч вази тоифасида тилламга чиқди. Нуфузли мусобақада юр-

тимиз шарафини ҳимоя қилган жаҳон чемпиони, ёпиқ ишоотлардаги III Осий ўйинлари голиби Шароф Холмаматов тўқсон кил로그램гача бўлган вази тоифасида барча рақибларини енгиб, финалга чиқди. Халқ қилувчи беллашувда меъзон курашичи — Моисис Илиадисни мағлуб этган ўзбек полвони олтин медаль билан тақдирланди. Ушбу вазнда беллашган яна бир ёш полвонимиз — Азиз Темиров туркиялик Турсак Шахин билан бирга шоҳсупанинг учин-

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг сифати ва таъсирчанлигини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Бу соҳа учун малакали ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг билим-қўникмаларини юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Баркамол авлод йили: ёш журналистлар доимий эътиборда" мавзусидаги медиа-форумида мазкур масалалар атрофида муҳокама этилди. Тадбир Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожланти-

риш жамоат фонди, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги ҳудудий нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари, вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухаликов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошқаруви раиси А.Али-

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ерғодезакадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвинуаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқҳўжаликмашлизи" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ег-мой ва озик-овқат саноти", Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агрисаноат ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Навоий Вилояти

Зарафшон шаҳридаги "Форум Зарафшон" масъулияти чекланган жамиятига Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки Навоий бўлими қредитдан парронда боқилган мўлжалланган кичик технологиялар ливияси кантириб ўрнатилди.

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА ПАРҲЕЗ МАҲСУЛОТЛАР

Натжида "Форум Зарафшон" масъулияти чекланган жамияти 5000 та товуқ боқиш ускунаси ва 2500 та туғум учун инкубаторга эга бўлди. Айни пайтда бу ерда 2000 та товуқ парвариш этилмоқда. Корхона ишчи-хизматчилари томонидан етиштирилаётган туғум ва парранда маҳсулотлари билан биринчи галда зарафшонлик истеъмолчилар таъминланмоқда.

Баҳриддин САДРИДИНОВ

Тадбиркор ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида

Иқтисодий эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий база тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини қонуний кафолатлайди, кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиради, тадбиркор ҳуқуқлари ҳимоясининг кучли тизимини яратди.

Тадбиркорлар ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши уларнинг қонуний ижросига, шунингдек, давлат органларига бўлган ишончнинг тобора оширишга мумкин.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президент Фармони ва Қарорлари, ҳуқуқ қарорлари ижроси юзасидан ҳамда белгиланган режа асосида ўтказилган ўрганишларда ўтган йили жами 10490 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Қонунбузилишларни бартараф этиш ва келгусида такрорламаслик юзасидан 175 та тақдимнома, 4 миллиард сўмлик 1221 та даъво аризалари, 63 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъму-

рий, 2 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар киритилди.

Тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган 684 та мурожаатларнинг 527 таси қўриб чиқилди. Масалан, Жарқўрган туманидаги "Элчинбек Элёр" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари У.Эргашевнинг корхона балансидаги бино-иншоотлар ва ер майдонига туман ҳокими томонидан тан олиш қарори қабул қилинмаётгани ҳақидаги мурожаатини ўрганиш натижаси бўйича киритилган тақдимномага асосан хусусий корхона ҳуқуқи тикланди. Тадбиркорнинг мурожаатини қўриб чиқиш тартибини бузганлиги учун туман ҳокимилиги масъул ходими Т.Хусановга

жиноят ишлари бўйича Жарқўрган тумани судининг қарори билан жарима жазоси белгиланди. Бошқармада ташкил этилган "Ишонч телефони"га ўтган йилда 38 марта мурожаатлар қабул этилган бўлса, шундан 11 таси асосли деб топилди, мурожаат қилганларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

Хусусан, Қумқўрган туманидаги "Олтин чигит" қўшма корхонасига айрим корхоналар етказиб берилган уруғлик чигит пулини вақтида тўлаб бермаган. Мурожаат бўйича қўрилган чоралар натижасида қўшма корхона фойдасига 18 миллион 867,7 миң сўм маблағ ундириб берилди.

Келгусида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймастик хусусида 568 нафар мансабдор шахс расман оголантирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай риоя этиш тўғрисида маҳаллий ҳокимият, назорат қилувчи ва турли идоралар раҳбарлари 22 та ёзма кўрсатмалар киритилди. Қўлланилган таъсир чоралари

натижасига қўра тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини поймол қилувчи 27 та қарор бекор қилинди, 29 тасининг ижроси эса тўхтатилди.

Ўтказилган ўрганишларда аниқланган қонунбузилишларнинг аксарияти маҳаллий ва давлат бошқаруви идоралари томонидан мурожаатларни қўриб чиқишда, банк хизматини кўрсатишда, шартномалар тузилиши ва унинг ижросида, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишда, уларни маъмурий жавобгарликка тортишда, ер ажратишда содир этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Сўнги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари кўрсатиш, уй-жой бинолари ва иншоотларнинг улчов ишларини ўтказиш, техник инвентарлаш, паспортлаштириш ҳамда баҳолаш бўйича кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш, топография-геодезия ишлари комплексини амалга ошириш ва кадастр

хизматлари томонидан кўрсатиладиган бошқа турдаги хизматларда ҳам бир қанча имтиёзлар жорий этилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майддаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан мустаҳкамланди.

Ушбу қарорнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсад тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун барча сарф-харажатларни кескин камайтириш, улар фаолиятини бошлашда бюрократик тўсиқлар ва голларни бартараф этиш ҳамда уларга янада қўлай шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Адлия бошқармаси томонидан мазкур қарорнинг жойларда ижроси этилишини ўрганиш давомида маҳаллий ҳокимият, тижорат банклари ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан 122 та қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Ҳуқуқи бузилган тадбиркор-

лик субъектларидан ортиқча ундирилган маблағларни қайтариш хусусида 12 та тақдимнома ва 2 та кўрсатмалар киритилди.

Қўлланилган таъсир чораларига асосан юқордаги қарор талабларига эди равишда тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ундирилган маблағлар қайтариб берилишига, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг 2 та давлат бошқаруви идораларининг 14 та қарорлари бекор қилинишига эришилди. Тўққиз нафар мансабдор шахс интизомий, икки нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, тадбиркор ҳуқуқини ҳимоя қилиниши фақат давлат органлари ёки бунга мутасадди бўлган бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган етарли ҳимоя тизимини шакллантириб бўлмайдиган бўлди. Бунда, энг аввало, тадбиркорнинг ўзи амалдаги қонунчиликни, ўз ҳуқуқларини билиши ва бузилган ҳуқуқларини ҳимоялашни талаб қила олиши зарур.

Отабек НОРБОВЕВ, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

Минтақавий семинар

(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, ўқув-семинар дастуридан Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти барпо этиш ва юқсак маънавиятни шакллантириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифалари, қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларнинг муҳим йўналишлари каби долзарб масалалар юзасидан машғулотлар ўрин олган.

Семинар баҳс-мунозара, қизғин савол-жавоб тарзида ўтмоқда. **Маматийёр ЗИЁДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ерданчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг Қарши шаҳридаги минтақавий семинарини Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайниев кириш сўзи билан очди. У Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил асосий ақуллари ва 2010 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида белгилаб берилган вазифалар хусусида фикр юритди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Шўхрат Файзиев Юрбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур минтақавий семинарнинг аҳамияти, шунингдек маҳаллий ҳокимликларнинг ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳоли турмуш даражаси ва халқ фаровонлигини янада яхшилаш борасидаги муҳим вазифаларга тўхтади.

Семинарнинг биринчи кунини Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўли ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир" мавзусидаги маърузасининг видеотасвири намойиш қилинди. Ушбу маърузанинг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган вазифалар юзасидан кенг тушуна берилди. Шунингдек, семинарнинг дастлабки кунини "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг асосий йўналишлари ҳамда унинг бажарилишини таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ва вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлири, виллоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамкорлигини тақомиллаштириш масалалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолияти, унинг маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларнинг муҳим хусусиятлари" мавзусларида машғулотлар ўтказилди.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Фарғона Вилояти

ЎҚУВ МАСКАНЛАРИДА ЗИРОАТЧИЛИК

у билимни амалиётга пайваста этади

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбиясига эътибор давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгилаб қўйилган. Шу боис, давлат бюджетидан ажратилаётган катта миқдордаги маблағлар таълим муассасаларини ривожлантиришга сарфланмоқда. Натижада, кейинги йилларнинг ўзида бир қатор қишлоқ ва шаҳарларимизда янги замонавий мактаб бинолари қад ростлади.

Халқимизда "Ха, деган туяга мадд", деган нақл бор. Шу ҳикматли сўзга амал қилган Фарғона вилояти халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан таълим муассасалари тасарруфидаги мавжуд ер ва боғ-роғлардан унумли фойдаланиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, умумтаълим мактабларига тарқатилди. Бу борадаги ишлар, айниқса, Данғара, Богдод тумани мактабларида намунали ташкил этилди ва кўргазмалар ўқув семинари ўтказилди.

— Мактабимиз ҳовлисидаги очик ер майдонига 25 түп ўрик, 50 түп хурмо, 600 түп терак қўчати ўтказилиб, парваришланмоқда, — дейди Богдод тумани 27-умумтаълим мактабининг ди-

ректори Жаҳонгир Маматқулов. — Жорий йилдан бошлаб мактабимиз тасарруфидаги саккиз сотиқ экин майдончасида плёнка остида пивёз, сабзи, кўкат ва бошқа резавор экинларни етиштиришни режалаштирдик. Бундан кўзланган мақсад ўқувчилар фанлардан олган билимларини амалиётда қўлларларига имконият яратиш ва ўқув даргоҳимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдир.

18-умумтаълим мактабининг янги замонавий биноси Олчин қишлоғи хусусига кўрқ бағишлаб турибди. Ўқув масканини айланар экансиз, бу ерда ҳам зироатчиликка алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўласиз. Кўкка буй чўзаётган мизрастераклар ҳадемай қурилишбоп бўлиб



қолади. Шудғорлаб қўйилган саккиз сотиқ экин майдончасининг тўрт сотиқига плёнка остида турли резаворлар етиштириш кўзда тутилган. Бир гектар экин майдони эса картошка экишга пухта ҳозирлаб қўйилган.

қабул қилинди. Таълим масканиди ўқитувчи, устозлар ўз малакаларини ошириб, ўқувчи-ёшларга пухта билим беришга интилишмоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Анқиқон Вилояти



УЙЛАР МУБОРАК

Олтинқўл тумани Иттифоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудиди намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган йиғирмата янги уй фойдаланишига топширилди

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқларда замонавий сερвис хизматини шакллантириш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам бу борадаги ишлар салмогини янада оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хозирга қадар Анқиқон вилоятининг Шаҳриқон, Асака ва Олтинқўл туманларида намунавий лойиҳалар асосидаги олтишита уй қуриб битказилди. Қишлоқ аҳли ўртасида бун-

дай замонавий, ихчам, барча қўлайликларга эга бўлган уйларга қизқиқиб тобора ортиб бормоқда. Янги лойиҳа асосида замонавий қурилиш материалларидан барпо этилаётган уйларнинг баҳоси, "Қишлоқ қурилиш банк" очик акциядорлик тижорат банки томонидан

кўркамлаштириш, ободонлаштириш энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда, — дейди "Воҳа қурилиш" корхонаси раҳбари Алишер Қамбаров. — Замонавий лойиҳалар асосида аҳоли буюртмаси бўйича бетакорор, ўзига хос қўрилишга, барча қўлай-

тармоқлари мавжуд бўлган кўркам уй-жойлар қишлоқ жамолини янада очиб юборди.

— Биз тўрт конали уйни тайёр холда қабул қилиб олдик, — дейди янги уй соҳибаларидан бири Умидахон Эгмова. — Қувончимиз чексиз. Бу ердаги қўлайликлар, оиламизнинг ҳар бир аъзоси учун яратилган шароитдан беҳад мамнунмиз.

2010 йилда Анқиқон вилоятида 620 намунавий лойиҳа асосидаги турар-жой қурилиши йўлжалямоқда. Бу уйлар учун алоҳида ер массивлари танланиб, геологик-қидирув ишлари тугалланди, экспертиза хулосалари олинди. Уларни қуриш учун пудратчи ташкилотлар ўртасида тендер танловлари ўтказилмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

Озод юртининг обод уйлари

ажратилаётган кредитлар аҳолига, айниқса, ёш оилаларга маъул қилмоқда.

Олтинқўл туманида қад ростлаган замонавий уйларни бунёд этишда бош пудратчи "Воҳа қурилиш" хусусий корхонаси бинокорларнинг хизмати катта бўлди. Улар қурилиш-пардозлаш ишларини тез ва сифатли бажарди.

— Бугунги кунда қишлоқларимиз қиёфасини янада

ликларга эга ширини уйлар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, безаш, кўча ва майдонлари ободонлаштириш иқтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклатмоқда. Мазкур уйларни бунёд этишда бизнинг ҳам муносиб хиссамиз борлигидан фархланамиз.

Кенг ва баҳаво, раvon қўчалари, йўллари, сув, газ, электр

Қорақалпоғистон Республикаси

ТЎРТКЎЛДА ЯНГИ МАКТАБ

Тўрткўл туманидаги Ш.Рашидов номи фермер ҳўжаликлари уюшмаси ҳудудиди мазкур умумтаълим мактабини "Бўстониверсалқурилиш" МЧЖ махсус бригадалари Осиб Тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги лойиҳа асосида бунёд қилди. Қисқа муддатда 741 миллион сўмлик бинокорлик юмушлари бажарилди.

— Билим масканимизда ўғил-қизларимизнинг тўлақонли таълим-тарбия олишлари учун етарли шароитлар яратилган, — дейди мазкур 27-сонли мактаб дирек-

тори Гулнора Полвонова. — Кенг ва ёруғ синф хоналари, ўнлаб фан кабинетлари, лабораториялар, спорт мажмуаси, ошхона, кутубхона ўқувчиларини хизматига. Мактабимиз фойдаланишига топширилган кун болаларимиз ёнида муҳрлиниб қолдиган ана бир воқеа юз берди. Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Янгибўй Кўқорор бошчилигида бир гуруҳ ижодкорлар тантанали маросимда қатнашиб, шахсий кутубхоналаридан 200 га яқин ҳар хил адабиётларни мактабимиз кутубхонасига ҳадя қилишди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ

Танлов голиблари аниқланди

Мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу жараёнда банкларнинг алоҳида ҳиссаси бор.

Айни пайтда кичик бизнес субъектлари янги ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Ёшларнинг ана шу жараёнга фаол муносабатини шакллантириш, уларни иш билан таъминлаш мақсадида "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банки ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорликда "Ёш тадбиркор камолоти" — қишлоқ тараққиёти кафелати тизимини ташкил этганди.

Қишлоқ ёшларида бозор иқтисодиёти қўнималарини, мулкка эгаллик ҳиссини шакллантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни имтиёзли микрокредитлар билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни мақсад қилган танловда республикамизнинг турли



ҳудудларидан 1700 нафар ёшлар ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этди.

Ўзбекистон банклари ассоциациясида танловнинг якуний босқичида голибликни қўлга киритган 13 нафар ёш тадбиркорни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Улар имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги сертификат, хомийлар ҳамда ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда таъкидланганидек, бу эътироф улар учун қўшимча имкониятлар, янги йўналишларда ютуқлар қилиши бўлиб хизмат қилади. Келажакимиз ёшлар қўлида. Уларни истиқболли соҳаларга йўналтириш, нафақат улар учун янги имкониятлар эшигини очиб, балки мамлакат иқтисодиёти юксалишига хизмат қилади.

А.БОТИРОВ

Қашқадарё Вилояти



АНИҚ ТАШХИС ДАВОЛАНИШНИНГ АСОСИ

«Энг сўнгги русумдаги ультратовушли аппарат орқали муолажалардан сўнг такрорий текширувдан ўтганимда батамом соғайганим аниқланди...»



Тиббиёт

Қарши шаҳар Отчолар маҳалласидаги янгидан таъмирланган бинода республика ихтисослаштирилган урология марказининг Қарши филиали иш бошлаганига ҳеч қанча вақт бўлмаган бўлса-да, бундай ташаккур сўзларини айтаётган кишилар жуда кўпчиликни ташкил қилади.



Хусан ТЕМИРОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири. Суратларда: марказ филиали шифокорлари фаолиятидан лавҳалар. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар



«Бунёдкор» «Зенит» билан ФУТБОЛ НАЗОРАТ УЧРАШУВИ ЎТКАЗДИ

«Бунёдкор» Дубайдаги йилги доирасида Санкт-Петербургдаги «Зенит» клубига қарши назорат учрашувини ўтказди.



«Бунёдкор»га яқинда келиб қўшилган Анвар Исмоилов «Зенит»да Россия терма жамоаси ўйинчиси Константин Зиряновга муносиб қаршилик қўради.

қиқада италиялик ярим ҳимоячи Алессандро Розина пенальтидан учрашув тақдирини ҳал қилган ягона тўпни киритди.

Барча турдаги корхоналар ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти куйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Лот 1-5: «Андижон вилояти Улуғнор туманидаги «Марказий» хўжалиқларaro коллекторини реконструкция қилиш».

Ўқишга марҳамат! Самарқанд Автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи

СИРТҚИ БЎЛИМГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ! ИШЛАБ ЧИКАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА 11-СИНФ ҲАЖМИДА

- 1. (3521202) Транспортларда ташви ва бошқаришни ташкил этиш.

МИСР АФРИКА ҚИТЪАСИНИНГ 7 ҚАРРА ЧЕМПИОНИ



Африка миллатлар кубоги — 2010 баҳслари ниҳоясига етди. Салкам бир ой давомида Африка қитъасининг энг кучли 15 терма жамоаси қўраш олиб борган йирик мусобақада Миср вакиллари ғолиб чиқди.

катларнинг нисбатан кучли терма жамоалари ҳаттоки гуруҳ баҳсларидан нарига ўта олишмади. Кейин эса Камерун, Кот-д'Ивуар, Ангола каби терма жамоалар чорак финалдаёқ ўз юришларига яқин эсади.

AUSTRALIAN OPEN: ФЕДЕРЕР ВА ТЕННИС УИЛЬЯМС МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Мельбурн шаҳрида совин жамғармаси 21 600 000 Австралия долларини ташкил этган «Катта дубулга» туркумига кирувчи Австрали чепк чемпионати ниҳоясига етди.

эти, 6:4, 6:3, 7:6 (13:11). Аёллар ўртасидаги финал учрашувига эса анча кечки кечди. Биринчи сетда Серена Уильямс (АҚШ) ўстун келган бўлса, иккинчи сетда Жустин Энен (Бельгия) фойдасига ҳал бўлди.

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АМУ-СУРХОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ КУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Лот-2-1: Кумқўрғон туманидаги узунлиги 35,911 км бўлган «К-1» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АМУ-СУРХОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ КУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Лот-2-2: Бандиқон туманидаги узунлиги 52,108 км бўлган «К-2» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Филиал ОАО «KAPITAL SUG'URTA» Ташкентского вилотидаги оғиротер бланков иже следующих страховых полисов и считает их недействительными:

Table with 3 columns of policy numbers (KS0070768, KS0070777, etc.) and their corresponding status.

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ. МУАССИСЛАР КЕНГАШИ. Зафар РЎЗИЕВ, Фарход ОМОНОВ, Эрон КУДРАТОВ, Раҳмонбери БҮРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидмамид САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Зийноддин ОБИДОВ, Хамжон УМАРХУЖАЕВ.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Айтига АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўлабой КАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Устам БАРНОЕВ, Ғофир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жумаман ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омонилла ЮНСОВ, Шероз ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — 236-58-83, 233-28-04. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи: Р.СУЯРОВ, Мусахҳач: С.ҚОДИРОВ, Дизайнер: О.МИЯЛОВСКИЙ.